



ISSN 2181-9297

Doi Journal 10.26739/2181-9297

**СЎЗ САНЪАТИ
ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ**

**МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ
ИСКУССТВО СЛОВА**

**INTERNATIONAL JOURNAL
OF WORD ART**

№5 (2019)



TOSHKENT-2019

Бош муҳаррир:
Холбеков Муҳаммаджон
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Главный редактор:
Холбеков Мухаммаджон
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Editor in Chief:
Kholbekov Muhammadjan
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Бош муҳаррир ўринбосари:
Тўхтасинов Илҳом
ф.ф.д., доцент (Ўзбекистон)

Заместитель главного редактора:
Тухтасинов Илхом
к.ф.н., доцент (Узбекистан)

Deputy Chief Editor
Tuhtasinov Ithom
Ph.D. Ass. Prof. (Uzbekistan)

Таҳрир ҳайъати:

Редакционная коллегия:

Editorial Board:

Назаров Бахтиёр
академик. (Ўзбекистон)

Назаров Бахтиёр
академик. (Узбекистан)

Bakhtiyor Nazarov
academician. (Uzbekistan)

Якуб Умарўғли
ф.ф.д., профессор (Туркия)

Якуб Умар оглы
д.ф.н., профессор (Туркия)

Yakub Umarogli
Doc. of philol. scien., prof. (Turkey)

Алмаз Улви Биннатова
ф.ф.д., профессор (Озарбайжон)

Алмаз Улви Биннатова
д.ф.н., профессор (Азербайджан)

Almaz Ulvi Binnatova
Doc. of philol. scien., prof. (Azerbaijan)

Боқиева Гуландом
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Бакиева Гуландом
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Bakieva Gulandom
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Миннуллин Ким
ф.ф.д., профессор (Татаристон)

Миннуллин Ким
д.ф.н., профессор (Татарстан)

Minnulin Kim
Doc. of philol. scien., prof. (Tatarstan)

Махмудов Низомиддин
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Махмудов Низомиддин
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Mahmudov Nizomiddin
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Керимов Исмаил
ф.ф.д., профессор (Россия)

Керимов Исмаил
д.ф.н., профессор (Россия)

Kerimov Ismail
Doc. of philol. scien., prof. (Russia)

Жўраев Маматкул
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Джураев Маматкул
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Juraev Mamatkul
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Куренов Рахиммамед
к.ф.н. (Туркменистон)

Куренов Рахыммамед
к.ф.н. (Туркменистан)

Kurenov Rakhimmamed
Ph.D. Ass. Prof. (Turkmenistan)

Кристофер Жеймс Форт
Мичиган университети (АҚШ)

Кристофер Джеймс Форт
Университет Мичигана (США)

Christopher James Fort
University of Michigan (USA)

Умархўжаев Мухтор
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Умархаджаев Мухтар
д.ф.н., профессор (Ўзбекистан)

Umarkhodjaev Mukhtar
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Мирзаев Ибодулло
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Мирзаев Ибодулло
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Mirzaev Ibodulla
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Болтабоев Ҳамидулла
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Балтабаев Ҳамидулла
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Boltaboev Hamidulla
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Дўстмухаммедов Хуршид
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Дустмухаммедов Хуршид
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Dustmuhammedov Khurshid
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Лиходзиевский А.С.
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Лиходзиевский А.С.
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Lixodzievsky A.S.
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Сиддиқова Ирода
ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Сиддикова Ирода
д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Siddiqova Iroda
Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Шиукашвили Тамар
ф.ф.д. (Грузия)

Шиукашвили Тамар
д.ф.н. (Грузия)

Shiukashvili Tamar
Doc. of philol. scien. (Georgia)

Юсупов Ойбек
масъул котиб, доцент
(Ўзбекистон)

Юсупов Ойбек
доцент (Узбекистан)
отв. секретарь

Yusupov Oybek
Ass. prof. (Uzbekistan) - Senior
Secretary

Pagemaker | Верстка | Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амир Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT

Тилшунослик / Языкознание / Linguistics

- 1.Карабаева Б.Б.**
КОГНИТИВ ТИЛШУНОСЛИК ЙЎНАЛИШЛАРИНИНГ ИЛМИЙ
НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.....5
- 2.Мавлонов О.А.**
ЎЗБЕКИСТОНДА ТЕОЛИНГВИСТИКА.....11
- 3.Маннонова С.А.**
РАСМИЙ ХАТЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ ВА
СУБЖАНРЛАРИ.....19
- 4.Мўминова Д.А.**
ДЕЙКСИСНИНГ АСОСИЙ ХУСУСИЯТИ.....26
- 5.Тоирова Д.Ф.**
ЭМИЛЬ ЗОЛЯНИНГ АСАРЛАРИДА КУНЛИК ФАОЛИЯТНИ ТАҲЛИЛ
ЭТИШ.....38
- 6.Shukurova В.В.**
NAZAR ESHONQUL NIKOYALARIDA KONTRAST USULINING
AN'ANAVIY VA ZAMONAVIY ASPEKTLARI.....45

Адабиётшунослик / Литературоведение / Literary criticism

- 7.Жуманова Д.Қ.**
МУМТОЗ ҲАЗАЛЛАР ТАҲЛИЛИ ВА ТАЛҚИНИ.....52
- 8.Назаров С.Ҳ.**
Й.В.ГЁТЕ "ФАУСТ" АСАРИДА КОНЦЕПТУАЛ МЕТАФОРА ТАҲЛИЛИ.....58
- 9.Шофиев О.**
ЎЗ МУҲИТИГА СИФМАГАН ОДАМ ОБРАЗИ (Эркин Аъзам ижоди мисолида)..66
- 10.Юлдашева Д.М.**
СИНТАКТИК ТАКРОРЛАРНИНГ БАДИИЙ- ЭСТЕТИК ИМКОНИЯТЛАРИ..75

Таржимашунослик / Переводоведение / Translation Studies

- 11.Муҳамедов Х.А.**
ЎЗБЕКИСТОНДА ТАРЖИМА НАЗАРИЯСИНИНГ ФАН СИФАТИДА
ШАКЛЛАНИШИ (ҲАЙБУЛЛА САЛОМОВНИНГ "ТИЛ ВА ТАРЖИМА"
МОНОГРАФИЯСИ МИСОЛИДА).....81


МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT

12. Гулямова Г.Я. БАДИЙ МАТН ТАРЖИМАСИДА ТРАНСФОРМАЦИОН МЕТОД ХУСУСИЯТИ.....	87
13. Мирзаахмедова М.Й. ТАРЖИМА ИЛМИ МАСАЛАСИ ЮЗАСИДАН ФИКРЛАР.....	94
14. Улмасбаева М.А. КОГНИТИВНЫЙ АНАЛИЗ НАЦИОНАЛЬНОГО КОЛОРИТА В ХУДОЖЕСТВЕННОМ ПЕРЕВОДЕ.....	105
Санъат ва журналистика/ Искусство и Журналистика / Arts and Journalism	
15. Музаффарова С.Х. МИЛЛИЙ ЭСТРАДА САНЪАТИ ТАРАҚҚИЁТИДА СЎЗ, МУСИҚА ВА ИЖРО УЙҒУНЛИГИ МАСАЛАЛАРИ (шоир, бастакор ва хонанда ҳамкорлиги мисолида).....	113
16. Мусаева Н.А. ХИТОЙ МАТБУОТИДА ЎЗБЕК-ХИТОЙ МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ЁРИТИЛИШИ ("БИР МАКОН, БИР ЙЎЛ" ЛОЙИҲАСИ АСОСИДА).....	118
17. Ходжиматова М.К. СЎЗ САНЪАТИНИНГ МАЪНАВИЙ ҚУДРАТИ.....	123
18. Ибрагимова У. ЖОНЛИ СЎЗНИНГ САҲНАВИЙ ИФОДАВИЙЛИГИ.....	129
Лингводидактика ва методика/ Лингводидактика и методика/ Linguodidactics and methodology	
19. Зоирова Д.А. ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА КОММУНИКАТИВ-КУМУЛЯТИВ МЕТОД АСОСИДА ИНГЛИЗ ТИЛИНИ САМАРАЛИ ЎҚИТИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ.....	135
20. Иканова Л.С. БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИДА ОНА ТИЛИДАГИ МАТНЛАРНИ ЎҚИБ ТУШУНИШ КЎНИКМАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ.....	145
21. Хасанова Д.К. ХАЛҚАРО PIRLS БАҲОЛАШ ДАСТУРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ АСОСИДА ЎҚИШ ВА ЁЗУВ САВОДХОНЛИГИНИ ОШИРИ.....	152
22. Имамова У.М. ЧЕТ ТИЛЛАРНИ ЎРГАНИШДА АКМЕОЛОГИК ЁНДАШУВЛАР ТЕХНОЛОГИЯСИ.....	162

СЎЗ САНЪАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ
МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА
INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART

Шофиев Обиджон,
Термиз давлат университети,
филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

ЎЗ МУҲИТИГА СИФМАГАН ОДАМ ОБРАЗИ
(Эркин Аъзам ижоди мисолида)

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2019-5-9>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада таниқли адиб Эркин Аъзам насридаги ўз даврига сифмаган одам образи ўрганилади. Унда адибнинг "Баҳор", "Баҳорни қувиб", "Пиёда", "Анойининг жайдари олмаси" ҳикоялари таҳлил этилади.

Калит сўзлар: образ, ҳикоя, давр, ижтимоий муҳит, тасвир.

Шофиев Обиджон,
Термезский государственный университет, PhD

ОБРАЗ ЧЕЛОВЕКА, КОТОРЫЙ НЕ СООТВЕТСТВУЕТ СВОЕЙ
СРЕДЕ

АННОТАЦИЯ

В данной статье рассматривается образ человека лишним для своего времени в творчестве известного литератора Эркина Аъзама. Анализированы его рассказы "Баҳор" ("Весна"), "Баҳорни қувиб" ("В погоню за весной"), "Пиёда" ("Пешком"), "Анойининг жайдари олмаси" ("Яблоко Рамазона").

Ключевые слова: образ, рассказ, период, социальная среда, изображение.

Shofiev Obidzhon,
Termez State University, PhD

IMAGE OF A PERSON WHO DOES NOT MATCH HIS
ENVIRONMENT

ANNOTATION

The article deals with the character of a man, who didn't go in his time of prominent

writer Erkin A'zam. The author's stories "Bahor", "Bahorni quvib", "Piyoda", "Anoyining jaydari olmasi" are penentated to analyses.

Key words: image, story, period, social environment, picture.

Бадиий образ адабиётшуносликнинг кўп қиррали ва мураккаб критерияларидан биридир. М.Л.Гаспаров ўз тадқиқотларида образни шундай тушунтиради: "Образ - ҳиссиёт орқали қабул қилувчи предмет ёки шахс, яъни ҳар қандай тирик жондир..." [1,9]. Адабиёт назариётчиси И.Ф.Волков бир мунча бошқачароқ таърифни келтиради: "Бадиий образ - ўз ичига бадиий мазмунни олган аниқ - ҳиссий воситалар тизими" [2,204].

М.Н.Эпштейн бадиий образни "фақат санъатга тааллуқли, алоҳида ҳақиқатни ўзлаштириш ва ўзгартириш усулини тавсифловчи эстетика категорияси" деб ҳисоблайди. "Образ деганда бадиий асарда ижодий яратилган ҳар қандай ҳодисани айтишади (кўпинча иштирок этувчи шахс (персонаж) ёки адабий қаҳрамон)" [3,252-257].

Адабиётдаги образ эстетик таъсир этувчи объектларни яратиш йўли билан ҳаётни тасаввур қилиш, талқин этиш ва ўзлаштириш шаклидир. Образ деганда, кўпинча мустақил ҳаёт ва мазмунга эга, бадиий яхлитликнинг бир қисми тушунилади.

Аввало, бадиий образ ижодкор тафаккури ва тасаввури маҳсули. "Бадиий асар қаҳрамони ўз иерархиясига эга бўлади. Чунки, асар яратулганга қадар ҳар бир образнинг модели, архитепи ижодкор тафаккурида узоқ вақт яшайди. Пайти келганда эса ижодкор бундан керагича фойдаланади. Асар майдонида тасодифий образлар деярли учрамайди. Ҳар қандай образ олдиндан ўйланган, кўзланган мақсад ва мотив ҳосиласидир" [4,64].

Тадқиқотимиз объекти бўлган Эркин Аъзам мансуб бўлган давр, яъни 70-80-йиллар адабиётига хос хусусиятлардан бири бадиий тафаккур, бадиий нигоҳнинг ранг-баранглашганлигидадир. Бу даврга мансуб ижодкорлар ижодида бадиий образ яратиш борасидаги янги изланишлар кўзга ташланади.

Бу даврда адабиётимизга кириб келган Э.Аъзам, М.М.Дўст, Т.Мурод, Н.Нормат, А.Аъзам, Х.Султон кабилар прозамиз тараққиётининг янги босқичини бошлаб берди. Бу давр адабиётининг ўзига хос муҳим жиҳатларини У.Норматов "асарларда гуманистик пафос доирасининг кенгайиши, инсон концепциясининг чуқурлашуви, инсонни тушуниш теранлашиб бораётгани, инсон шахси, табиати ва қалбининг мураккаб, сирли-сеҳрли томонларини англашга, кашф этишга интилиш ортаётгани" деб белгилайди [5].

Бу авлодга мансуб Эркин Аъзам адабиётимизга янги бадиий нигоҳи, изланишлари билан кириб келди. Унинг илк ижод намуналаридек адабиётшунослар эътиборига тушди. Адибнинг дастлабки асарларида болалик ва ўсмирлик хотиралари, таассурот ва орзулари, армонлари ўз аксини топган бўлиб, уларда бола нигоҳи орқали инсон қалбининг нозик жиҳатлари ифодаланганлиги билан эса қолади. Адабиётшунос Ҳ.Болтабоев адибнинг дастлабки ижоди ҳақидаги кузатишларини шундай ифода этади: "Эркин Аъзам ижодини эътибор билан кузатсак, унинг болалик таассуротларига бой таъсирчан қаҳрамон асардан асарга улғайиб, баркамоллашиб бораётганлигининг гувоҳи бўламиз. Бу ривожланиш қаҳрамоннинг хатти-ҳаракатида ёки туйғулар дунёси бойиб бораётгандагина эмас, балки характер сифатида шаклланишида ўзлигини кўрсатмоқда" [6].

Эркин Аъзамнинг дастлабки асарларидан кўринадики, уни қаҳрамонларининг ижтимоий яшаш тарзи эмас, балки инсоний туйғулари, қалб кечинмалари, орзу-армонлари қизиқтиради. Унинг қаҳрамонлари ҳаётнинг майда-чуйда ташвишларига ўралашиб қолишни истамайди, ўз "мен"ини қидиради, шунга талпинади. Ўз туйғуларини ошкор айта олади, ҳеч бўлмаса орзуларини амалга оширишга уриниб кўради. Бу қаҳрамонларнинг ўз олами бор ва бу оламда бўлиш улар учун завқли. Унинг дастлабки яратилган ҳикояларини олайлик. Бу ҳикоя қаҳрамонларининг барчаси романтик. Уларни ёшлик, ўсмирликнинг жўшқинлиги, тантилиги, ўзини ҳар нарсага қодир деб билиши каби ҳислар чулғаб олган. Масалан, Жалил Норбоев ("Сой бўйи, чимзор...")ни ўсмирлик хотиралари тарк этмаган, реал ва хаёлот оламида яшайди, унда романтик руҳ устувор; Рамазон ("Анойининг жайдари олмаси") ва Тўрақул ("Файзининг амакиси") афандинамо феъли, ўз туриш-турмуши, хатти-ҳаракатлари билан илиқ тассурот қолдиради.

Эркин Аъзамнинг дастлабки ижодида, асосан, ҳикояларида лиро-романтик услуб яққол сезилади. Тасвирдаги самимият, тиниқлик, латифлик ўқувчига ажиб жозиблик бахш этади. Адиб кишини туйғулар олами томон етаклайди, турфа характерли қаҳрамонларга дучор қилади, уларнинг қалб кечинмалари билан ошно этади. "Баҳор", "Баҳорни қувиб", "Совуқ", "Анойининг жайдари олмаси", "Файзининг амакиси", "Сой бўйи, чимзор...", "Боғболалик Кўкалдош" каби қатор ҳикояларида инсон руҳий дунёсига лиро-романтик ёндашув асосида нигоҳ ташланади.

Эркин Аъзам ижодининг муҳим хусусиятлардан бири образларнинг асардан-асарга тадрижма-тадриж ўсиб боришидир. Масалан, ўз муҳитига сиғмаган, юксакликка талпинувчи Жаббор Имомов ("Баҳор", "Баҳорни қувиб") Бакир ("Байрамдан бошқа кунлар")га айланса, Сафура ("Байрамдан бошқа кунлар") Забаржад ("Забаржад")га эврилади. Бунга ўхшаган мисолларни яна келтириш мумкин.

Эркин Аъзам насридаги бир қатор образларни давр ва ижтимоий муҳит билан боғлиқ равишда бир неча таснифларга бўлиб ўрганиш мумкин. Масалан, ўз даврига сиғмаган одам образи, кечикаётган одам образи ва бошқ.

Мақоламизда ўз даврига сиғмаган одам образига тўхталамиз. Эркин Аъзам ижодида ўз муҳитига сиғишни истамай, аллақандай юксаклик сари талпинган ёшлар (Р.Отаев) - яшаш муҳитидан норози, кўнгли нимадандир тўлмайдиган, ўжар, қайсар ва исёнкор одамлар образи кенг учрайди. Шу ўринда адиб нега бундай типдаги образларни танлайди, деган ҳақли савол туғилади. Тўғри бу фақат Эркин Аъзам ижодига хос бўлган хусусият эмас. Адабиётшунос ва ёзувчи Хуршид Дўстмуҳаммад ўзбек ҳикоячилигига бағишланган тадқиқотида "1970-1985-йиллар асносида яратилган ақсарият ҳикояларнинг ғояси ва бош қаҳрамонлари табиатидан келиб чиқиб, уларни "исёнкор" ва "норози" ҳикоялар деб икки гуруҳга ажратиш мумкин" деган қарашни тасвирлади [7,22].

Буни мавжуд ижтимоий тузум ва давр билан боғлиқ равишда изоҳлаш мумкин. Шўро ҳукумати Совет иттифоқида барча бахтли, фаровон, тенг яшайди деган шиор остида ўз сиёсатини юргизар, булар ҳақида биринчи ўринда матбуот, телевиденияда бонг уриларди. Ижтимоий соҳа вакиллари, ижодкорлар, умуман, зиёлилар тарғибот, ташвиқот ишларига кенг жалб қилинар, бу йўлда уларга барча нарсалар муҳайё этилар эди. Адабиёт ҳам шу тузум мафкураси қуролига айлантирилган, уни мадҳ этиб ёзилган асарлар миллионлаб нусхаларда чоп этилар,

муаллифлари эса нуфузли мукофотлар билан сийланарди. Аммо реал ҳаёт, аҳолининг яшаш тарзи бутунлай бошқача бўлиб, ижтимоий-иқтисодий шароит паст даражада бўлганлиги бугун барчамизга аёндыр. Энг ачинарлиси, маънавий инқироз хавфи юзага келди. Миллий қадриятлар, тил ва диний анъаналар, тарихий мерос унутилиш арафасига келиб қолди. Бу ўз навбатида ёшларнинг маънавиятига, тарбиясига ўз таъсирини ўтказмасдан қолмади. Натижада ўз тилини унутган, қурама маданиятларни ўзлаштирган, дурагайлашган авлод шакллана бошлади. Бу каби жамиятдаги камчиликларни гапириш, танқид қилиш мумкин эмаслигини, бунинг оқибати фожиали бўлишини ҳар бир зиёли жуда яхши билар эди. Аммо "зиёлиларнинг фикран уйғоқ вакиллари коммунистик ғоялар билан мавжуд тузум таянган асослар мутлақо номувофиқ эканлигини тушуна бошладилар. Натижада уларда жамиятдаги ўз мавқеларини қайтадан идрок этиш эҳтиёжи юзага келди, бу орқали эса ижтимоий муносабатлар, умуман, тузумнинг моҳиятини англаш даражасига кўтарилдилар" [8,29]. Айниқса, ёш ижодкорлар ўз ижодидаги "исёнкор" ва "норози" қаҳрамонлари билан жамиятдаги воқеликларга ўз муносабатини билдирдилар. Адабий танқидчилар Н.Шукуров ва И.Ҳасановлар 70-80-йиллар даври прозаиклари ижодининг айрим жиҳатлари ҳақидаги мўъжаз тадқиқотида Э.Аъзам ижодига ҳам тўхталиб ўтар экан, адиб ижодидаги "исён"нинг моҳиятини тўғри очиб беради: "Эркин Аъзамов прозаси адабий жараёнда ўзига хос ҳодиса сифатида кўзга ташланади. Бу прозани бир сўз билан "исён" деб атагимиз келади. Ҳа, бу асарга мавзу танлаш, асар сюжети, композицион қурилишида кўзга ташланадиган ҳар қандай чегаралар, қолипларга қарши исён. Бу - худбинлик, бадбинлик, мансабпарастлик каби ғайриинсоний хислатларга қарши, бу хислатлар урчитувчи ноҳақлик ва қабиҳликка қарши исён. Бу - ўз-ўзимиздаги лоқайдлик, бепарволик, маънавий мешчанлик ва руҳий ғарибликка қарши исён. Бу - инсонни комилликка, ўзаро меҳр-муҳаббат ва шафқатга чорловчи исён. Эркин дунёни ҳар хил қора ишлардан ҳам, одамларни ҳар қандай майда икир-чикирлардан юқориқ кўрмоқ истайди, шунга интилади. Бу йўлдаги ҳар қандай акс таъсир унинг қалбини жунбушга келтиради" [9,70]. Демак, Эркин Аъзам ижодидаги бундай типдаги образларни ёзувчининг жамиятдаги воқеликларга, мавжуд қолип ва анъаналарга нисбатан акс муносабати билан боғлаш мумкин. Бу масаланинг бир жиҳати бўлса, иккинчи томондан инсонни ўйлантираётган, қалбида, онгида содир бўлаётган жараёнларни нозик жиҳатлари билан ифодалаш; инсоннинг табиати мураккаб ва сирли эканлигини, туйғуларининг хилма-хиллигини кўрсатиш натижаси деб тушуниш лозим. Эркин Аъзамнинг "Баҳор", "Баҳорни қувиб"и икки қисмдан ташкил топган бир бутун ҳикоядир. Асар қаҳрамони Жаббор Имомов ўзи яшаб турган муҳитига сизмайди. Ботинида жўш урган ғалаён, исён баҳорнинг шабадаси туфайли юзага чиқади. Ҳикояда инсон руҳияти ва табиат ўртасидаги ажиб уйғунлик қаҳрамон ички оламини очишда муҳим аҳамият касб этган. Ёзувчи пейзаждан ўринли фойдаланган: "Мана у, адирнинг тепасида ҳайкалдек турибди. Ўша, тантана бўлиб шодумон сас-овозлар келган тарафдан эсаётган шабада сочларини тўзғитиб юборган, пиджаги барларини орқага тортқилайди - у сеҳрланган каби қимир этмайди. Анчадан буён. Беадад қувонч, талай йиллар унутилган бир ҳис - хотиралар соғинчи кўксини тўлдирган. Яшиллик олами қаршисида лол, нигоҳлари тинган. Кўзларини юмиб қулоқ солади. Ана, нам тупроқни ёриб бойчечак чиқмоқда; юз очиши мунча қийин, мунча қийин - ниҳоят кўринди. Яша, бойчечак! Ана, қоқи! Сизларга қанчалик интиқ эдим, қоқижонлар! Ипор! Ҳидингга қачон тўяман!.."

[10,86].

Гўё ерни ёриб чиққан бойчечак сингари Имомовнинг ичида яшириниб ётган ният ва мақсадлари юзага чиқади. Атрофидагилари - ёру дўст, ҳамкасб ва бошқалар яшаётган муҳит билан муроса қила олмайди. Одатий кундалик юмушлар, суҳбатлар, бир хил турмуш тарзи Имомов дунёқарашига бегона. У бу муҳитда ўзи ҳам кўникиб қолишини сезиб талабалик йиллари кечган азим шаҳар томон "баҳорини қувиб" йўлга чиқади. Эркин Аъзам ўз қаҳрамони тақдирини шу ерда тўхтатиб, хулосани ўқувчининг ўзига ҳавола этиб қўймайди. Балки Имомовнинг ўз ҳақиқатини излаб чиққан шаҳарга қилган уч-тўрт кунлик "сафар"и асносида унинг қалбида содир бўлган жараёнларни, ўзгаришларни ҳам кўрсатишни мақсад қилади. Шу қисқа сафар Имомовга кўп нарсаларни, энг муҳими, ҳаётнинг аччиқ ҳақиқатини англантишга етарли бўлади. Бу эса "Баҳор" нинг мантиқий давоми "Баҳорни қувиб"да ўз ифодасини топган.

Имомов ҳам адибнинг яна бир ҳикояси "Анойининг жайдари олмаси" қаҳрамони Рамазон сингари "бир ёқларга кетиш"ни истайди. Рамазон Барнаулга, Имомов эса Тошкентга кетиш учун йўлга чиқади. Баъзи бир нуқталарда ҳар икки қаҳрамонда ўхшаш жиҳатлар бор. Рамазон тоғасининг қизига уйланишни истамаса, Имомов аммасининг қизига кўнгил беролмайди. Улар атрофини ўраб турган одамлар, муҳитдан қочади. Чунки уларни ҳар нарсани ўзгартиришга қодир, юксаклика парвоз қилувчи ёшда эканлиги ҳам назардан четда қолдирмаслик керак. Ёшлик, интилувчанлик уларни ўз мақсади сари йўлга чорлайди.

Рамазон табиатан сахий, очиққўнгил, ишонувчан, киришувчан бўлса, Имомов эса одамови, камгап. Рамазон ўз манфаатидан кўра умуманфаатини кўпроқ ўйлайди. Имомовда эса ўз манфаатлари устун. Аслида ҳар икки қаҳрамонни ўзлигини излаб йўлга чиққан инсон образи сифатида баҳоласак тўғри бўлади.

Имомов ўз хаёлотини дунёсида яшайди. Ишхонадаги ҳамкасблари билан ҳам мулоқотга киришмайди, уйда журнал ўқиш ва мусиқа эшитиш билан банд. Унинг "кетиш" орзуси аллақачон "пишиб" етилган. Фақат уни реаликка кўчириш керак. Дастлаб баҳор шабадаси бунга туртки берган бўлса, кейинчалик синфдошлари даврасида янада қатъийлашади.

Шаҳарга келгач Имомов ўзи излаган "баҳор"и аллақачон ўтиб кетганлигини англайди. Дўстлари ҳам ўз ишлари, ташвишлари билан банд, кўнгил қўйгани Шаҳноз ҳам турмушга чиқиб, ажрашиб ҳам бўлган. Аввалги ўзи кўрган шаҳар энди унга бегонадек.

Эътибор берилса, Рамазон ҳам, Имомов ҳам алал оқибат тақдирларига тан беради. Рамазон ўз қишлоғига қайтади, тоғасининг қизига уйланади, одатий кундалик турмуш ташвишлари билан банд бўлади. Шундай бўлса-да Рамазон ўз самимийлигини, очиққўнгиллигини, ростгўйлигини тарк этмайди. Ўз эзгу ишларини қилишда давом этаверади.

Муҳими Имомов энди ортга йўл йўқлигини англаб етади. Ушбу ҳикояларни лиро-романтик ва киноявий позицияда тадқиқ этган М.Шералиева шундай хулосага келади: "Демак, Имомов ҳаётда нимадир муҳим нарсани эътибордан четда қолдирган, ҳаёт унинг тасаввуридагидан бошқачароқ, мураккаброқ бўлиб чиқди. Вақтида бунинг англашга улгурмаган Имомов севиш имконини бой бергани каби, эндиликда яшаш имконини ҳам бой беряпти - қаҳрамонни безовта қилаётган, у элас-элас англаётган ҳақиқат ана шундан иборат" [8,59].

Адиб ижодида "Анойининг жайдари олмаси" ҳикояси алоҳида ажралиб туради.

Ҳикояда энг юксак туйғу - дўстлик улуғланади. Ҳикоя қаҳрамони Рамазон табиатидаги тўғрилиқ, очиққўнгиллик, меҳр ва садоқат самимий тасвирланади. Рамазон анойи, чапани, афандисимон образ сифатида акс эттирилади. У ёзувчининг ўз сўзи билан айтганда "ҳаётни қандай бўлса шундайлигича қабул қилади, шундайлигича тушунади" [11,432]. Шунинг учун унинг хатти-ҳаракатлари атрофдагиларга "ғалати" туюлади. Унинг ички дунёси қалб тугёнлари билан ҳеч ким ҳисоблашмайди. Унинг муносабатларида сохтагарчилик йўқ. Рамазон ўз манфаати учун ҳеч кимга мулозамат, хушомад қилмайди. Ҳатто ўзи танимаган кимсага яхшилик қиламан деб "жиноят" курсисига ўтирса ҳам бундан ҳеч афсусланмайди, бировнинг айби учун қамоқ жазосини ўтайди. Шунда ҳам унда норозилиқ, тушкунлик кайфияти сезилмайди. Рамазон доим ўзи хизмат қилган Барнаулга кетишини айтади, бу мақсад сари бир неча бор йўлга отланади. Нега Барнаулга? Бу савол ҳикояни ўқиган китобхонни қизиқтириши табиий. Ҳикоянинг бир ўрнида Рамазон тилидан берилган: "... Нима қилай, ўша ёққа кетгим келаверади-да. Эй-й, сен тушунмайсан!", - деган сўзлари ҳам унинг ниятини аниқ ифода эта олмайди [12,63]. Ўзи таъкидлаб ўтганидек, уни ҳеч ким тушуна олмайди. Аслида Рамазон на Бойсунга, на Тошкентга, на Барнаулга сиғади. У ўз даврига, ўз муҳитига сиғмайди. Рамазон ўзлигини излаб йўлга чиққан инсон образи.

Ҳикоя Рамазоннинг дўсти, яъни ҳикоячи тилидан ҳикоя қилинар экан, қаҳрамоннинг портрети унинг нигоҳи орқали очиб берилади. Бунда ёзувчи холис позицияни танлайди. Ҳар йили икки тарафида "Барнаул" деган чамадонини қирмизи олмаларга тўлдириб келадиган Рамазонни хушламай қабул қилишини дўсти тан олади. Ҳикояда олма билан боғлиқ тасвирларга кўп дуч келамиз. Албатта, бу тимсол ўзида маълум бир маъно ташийд. "...Бир ёғи қирмизи, бир ёғи хол-хол. бандининг туби қизил қумга тўлган олмалар; кўримсиз, жайдари олмалар. Болалигингиз олмалари, болалигингиз ҳидлари. Бошингиз айланиб кетади. Кўп нарсаси бирдан эсингизга тушади, энтикаси" [12,62].

Рамазоннинг чамадонидagi жайдари олмалар гўёки тиниқ, соф туйғуларни ифодалагандек. Кўринадикки, бу ерда олма олис хотираларни, болалиқни, у билан боғлиқ ширин туйғуларни ёдга солади. Инсон умрининг энг гўзал, беғубор олами олма воситасида акс эттирилади. Кейинги ўринда Рамазоннинг олма кўтариб Барнаулга жўнаши, поездда бир инсонга ёрдам қўлини чўзаман деб қамалиши тасвирига дуч келамиз. Судья ва Рамазон ўртасидаги диалогда ҳам олма ҳақида сўз боради. Рамазоннинг судьяга айтган мана бу сўзларини бефарқ ўқиб бўлмайди: Зўр олма-да лекин. Бу, ҳозирги олмаларингизнинг бари бузилиб кетган. Ҳар балони пайванд қилавериб айнитиб юборишган-да. Фақат бизларда қолган унақаси. Мен ўзим олмани унча яхши кўрмайман. Есам кўнглим айнийди" [12,72].

Бу билан Рамазон нима демоқчи? Унинг даъвоси нимада? Бу даъвода табиат инъом этган неъматнинг инсон томонидан ўзгартиришга уриниши, асл нарсаларнинг камайиб кетиши, ўз чорбоғида қолган жайдари олмаларнинг бошқаларга ҳатто олис Барнаулдагиларга ҳам улашишни истаганда рамзий маъно йўқми? Гўё у "мен бу олмалардан кўп татиб кўрганман, чорбоғимизда улардан жуда кўп, сизлар ҳам баҳраманд бўлинглар, шунда, балки асл нарсаларни ўзгартириш камайрмиди", - деяётгандек бўлади. Агар бу тасвирларга синчковлик билан разм солсак, гап олма тимсоли орқали меҳр-оқибат, самимийлик, тўғрисўзлик, очиққўнгиллик, сахийлик каби соф инсоний туйғулар ҳақида

бораётганлигини билиб олиш мумкин. Ёзувчининг маҳорати шундаки, инсоний туйғулар, муносабатларга дарз кетаётганини шу тимсол орқали кўрсатиб бера олган.

Рамазон образи бизга жаҳон адабиётининг атоқли вакилларида бири испан адиби Мигель де Сервантеснинг "Дон Кихот саргузаштлари" романи қаҳрамони Дон Кихотни эслатиб юборади. Дон Кихот эзгулик йўлида курашга отланади. Кўп саргузаштларга дуч келади. Қилган ҳаракатлари учун кулгига қолади, ўлар ҳолатда калтакланади. У ўз даврини, ўз муҳитини ўзгартирмоқчи бўлади. Тўғри унинг хатти-ҳаракатлари алал-оқибат ёмонликлар, кулфатларга олиб келади. Лекин Дон Кихотнинг мақсади эзгулик улашиш. Бу йўлда у барча қийинчиликлардан кўркмайди, ўз йўлидан, мақсадидан қайтмайди. Ўз даврининг машҳур рицарлик романларига пародия тарзида ёзилган бу асар мана асрлар ўтса-да дунё китобхонлари қалбини забт этиб, ўзгача завқ-шавқ бахш этиб келмоқда. Дон Кихот соддалиги, хаёлпарастлиги, кўркмаслиги туфайли китобхонда илиқ таассурот қолдиради. Уни ёмон кўра олмайсиз, нафратланмайсиз. Унга ачинасиз, холос. Дон Кихот ҳам ўз даврига, муҳитига сиғмаган образ.

Испаниялик машҳур ёзувчи Мигел де Унамуно Сервантес яратган Дон-Кихот образига таъриф бериб: "Агар дунёда чанг-тўзон кўтарилса, андиша, виждон, эзгу-саховат, гамхўрлик кўкка совурилса, агар худбинлик ҳисси нафсоният кўзни қамаштирса, жаҳолат гирдобига тушиб қолган одамлар шахсий манфаат учун бир-бирининг жонига қасд қилишга шай бўлса Дон-Кихотларча - тишни тишга қўйиб маънавиятни, ахлоқ-одобни, инсоний фазилатларни сақлаб қолишга, ғалаба қозонишга, умид билан барчасини ҳимоя қилишга тўғри келади" [13], деб ёзган эди. Шу нуқтаи назаридан Эркин Аъзам яратган Рамазон образига ҳам шу таъриф тўла мос келади. Ҳар иккала образдаги бир мақсад уларни бир нуқтага уйғунлаштиради. Бу қаҳрамонлар бизларга дунёда эзгу инсоний туйғулар борлигини эслатиб туради. Адабиётшунос олима Н.Владимированинг мана бу мулоҳазалари юқоридаги фикрларимизга ҳамоҳанглик касб этади: "К счастью, такие характеры, как Рамазан, не перевелись в жизни, они сохраняют в себе чувство жалости и сострадания к людям" [14,130].

Рамазонни асар охиригача самимият тарк этмайди. Тўғри у тақдирга тан берди. Қишлоғига қайтди, тоғасининг қизига уйланди. Лекин у ўзлигича, ўша Рамазонлигича қолди. Унинг ҳикоя сўнгида бозорда олма сотиб ўтирган, тўғрироғи бепул улашиб турган ҳолати бизга ана шундай хулоса чиқаришга ундайди. У ўз муҳитига сиғмайди, ўз даврига бегона. Бир сўз билан айтганда, Рамазон ўзлигини йўқотмаган, бузилмаган образ [11,432].

Эркин Аъзамнинг "Пиёда" номли ҳикояси инсон руҳиятининг мураккабликлари, дунёқарашлар турфалиги акс эттирганлиги билан ўзбек ҳикоячилигида муҳим ўрин эгаллайди. Ҳикоя бош қаҳрамони Бердибой адиб ижодидаги энг мураккаб образлардан бири. Дунёдаги одамларнинг ҳар бири ўз оламига эга. Бир қарашда Бердибой эскича фикрлайдиган, эскича дунёқарашга эга шахс сифатида кўринади. Унинг атрофида содир бўлаётган янгиланишларни қабул қила олмагани шундай таассурот қолдиради. Бир жиҳатдан унинг бу феъл-атворида момосининг қўлида тарбия топгани, унинг ўғитлари билан улғайгани сабаб бўлган. Ота-онасидан узоқда қишлоқда улғайган Бердибойнинг ота-онасига бўлган муносабатларида киноя, заҳархандалик, кесатиқ, пичинг сезилади. Тўғри унинг ота-онасидан узоқда, қишлоқ муҳитида тарбия топиши дунёқарашига ўз таъсирини кўрсатган. Шунинг

учун Бердибой бошқа муҳит билан мураса қила олмайди. Унинг заҳарханда эканлигида ота-онасининг ҳам айби бор. Ҳали бола бўлган Бердибой қалбида бемехрлик ҳиссининг шаклланишида ота-онасининг ундан ўзларини узоқда тутиши ҳам сабаб. Бу эса бола руҳиятида ана шу инстинктларни шакллантирган. Бердибой ўз оиласида "мен"ини қидиради. Тўнғич фарзанд бўлгани учун ука ва сингилларига танбеҳ бериш, насиҳат қилишга ўзини ҳақли деб ҳисоблайди. Зеро унинг учун акалик ор-номуси, гурури биринчи ўринда туради. Демак, Бердибой ўз оиласида муносиб ўрни бўлишини истайди. Лекин унинг бу уйда "қадр - қиммати" йўқ. Замон бошқа, одамлар ўзгарган. Ҳатто ўз синглиси ҳам "ўтган асрдан қолган одамсиз" дея унга "бетгачопарлик" қилади.

Бошқа бир жиҳатдан Бердибойнинг йўқолиб бораётган асл қадриятлар, урф-одатларни, меҳр-оқибатни сақлаб қолишга уринишини кўрамыз. Унинг орзулари, асл нияти нима эди? Бунга ҳикоядаги мана бу парчадан жавоб топамиз: "Бердибой гоҳо ўзича орзу қиларди: қани эди, ака-укалар баримиз бир жойда, масалан дейлик, момамнинг боғида - даштда яшасак, бир кўра, бир кўргон бўлиб! Топган-тутганимизни кечкурун бир қозонга солсак, бирга есак, бирга турсак! Майли, бобой ётса ётаверсин бизнинг давримизда даврон суриб - янги китобини ўқийдими, эски китобини ўқийдими, ўзи биледи. Ота бўлиб бошимизда турса, дастурхонимизнинг тўрини тўлдириб ўтирсак - кифоя, шуни ўзи катта давлат бизга. Апам, хайр, чидар уч-тўрт кун, нима, момамни боғлаб берибдими бу дунёга, ўзининг ҳам олдинги шашти йўқ... Сингиллар ҳам шу яқин-атроф хеш-ҳамсоёга узатилган бўлса - иссиқ-совуғу яхши-ёмон кун деган гаплар бор. Ў, қани бундай бўлса! Ана ўшанда меҳр-оқибат ҳам, оға-иничилигу ота-болалик деганлари ҳам бошқача бўларди" [12,110].

Мана шу нуқтада Бердибойнинг асл нияти аёнлашади. Унинг асл мақсади оила, миллат бирдамлиги масаласи эди. Тадқиқотчи Сафарали Қурбонов таъбири билан айтганда, "аслида, Бердибойнинг асар давомидаги ҳаракатларини кузатсак, миллий қадриятларнинг, аждодлар меросининг оёқ ости бўлаётганлигини кўриб нима қилишни билмаётган миллатнинг жонкуярларидан бири эди" [15,145].

Бердибой шиддат билан олдинга қараб интилаётган ҳаётга пиёда йўлга чиққан йўловчи. У замонасидаги анъаналарни ўзгартиришга бор кучи билан чиранса-да, ҳеч қандай натижага эришмайди. Ота-онаси, укаси, синглиси, Ражаб бодига бор "заҳри"ни сочиши ўз-ўзини овутишдан бошқа нарса эмас. Унинг бу ҳаракатлари худди ёш боланинг хархашасини эслатади, холос. Бироқ, Бердибой профессор Абдуғафур Расулов таъкидлаб ўтганидек, "ўтмишнинг қолақ кишиси тимсоли" эмас [16,29]. Тўғри унинг фикрлари, орзулари, ўй-хаёллари ўз замонасига тўғри келмайди. Лекин буни Бердибойнинг ўзи ҳам ҳис қилади, қайси замонда яшаётганлигини яхши биледи. У ўз орзуларини хаёлидан ўтказар экан, буни амалга оширишнинг имкони йўқлигини ҳам тушуниб етганлигига амин бўлиш мумкин: "...Йўқ, Бердибой, бу тушингизни сув аллақачон оқизиб кетган! Биласизми, биз бугун қандай замонда яшайпмиз? Энди бизнинг ҳар биримизга алоҳида бир кўргон керак! Деворлари шундай баланд, ўзи шундай пинҳон кўргонки, на отдан бўйлаб бизни кўра оласиз, на осмондан қараб! Бу шундай бир кўргонки, гоҳ юксак юлдузлар орасида, гоҳ заминдаги майда бир ҳавасчалар илинжида ўртаниб, баъзан ўзимиз ҳам ўзимизни йўқотиб, тополмай сарсон юрамыз...

Аммо, кўргонимиз муттасил ҳаракатда - улкан бир кеманинг бағрида у. Кемадан

тушиб қолиб бўлмаса - жон ширин, дунё қурғур умидли..." [12,110].

Ҳикоя кучли ички драматизм асосида қурилган. Реалликдан кўра Бердибойнинг қалбидаги кураш, конфликтларни ифодалаш орқали асар мазмун-моҳияти очилади. Бердибой қалби ва реаллик ўртасидаги номувоқлик асарнинг конфликтини ташкил этади. Ёзувчи Бердибой зиммасига улкан бир вазифани юклайди. Мустабид тузум шароитида миллатнинг топталаётган, оёқости қилинаётган азалий қадрият ва анъаналари, тили ва динининг эртасидан қайғураётган адиб Бердибой тимсолида асрлар бўйи шаклланиб келган бой маънавий меросимиз, ўзаро меҳр-оқибат, ҳурмат, садоқат сингари туйғуларга бефарқ бўлмасликка чақиради.

Юқоридаги мулоҳазалардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ёзувчи Эркин Аъзам ижодидаги ўз даври билан муросасиз қаҳрамонлар адибнинг мавжуд ижтимоий муҳитга бўлган муносабати, атрофидаги лоқайдлик, маънавийтсизлик, сохтагарчилик каби иллатларга нисбатан норозилиги, инсонни руҳан эркин ва озод бўлиши лозимлиги сингари қарашлари ҳосиласи сифатида изоҳлаш керак.

Адабиётлар:

1. Гаспаров М.Л. Избранные труды. О стихах. М., 1997.
2. Волков И.Ф. Теория литературы. М., 1995.
3. Эпштейн М.Н. Образ художественный // ЛЭС.
4. Тўлаганова С. Бадиий асар морфологияси: (А.Қодирий, Чўлпон, Ойбек романлари мисолида). - Т.: Turon zamin ziyo, 2016.
5. Норматов У. Ҳаракатдаги реализм // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. -1983 йил. - 22 июль.
6. Болтабоев Ҳ. Ўз сўзини излаб... // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1982 йил 20 август
7. Досмухамедов Х. Ҳозирги ўзбек ҳикоячилигида бадиий тафаккурнинг янгилиниши (80-йилларнинг иккинчи ярми ва 90-йилларнинг аввалидаги ҳикоялар мисолида) мавзуидаги филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси, Тошкент - 1995 йил.
8. Шералиева М. Ҳозирги ўзбек насрида киноя: ижтимоий-психологик омиллари, поэтик тизимдаги ўрни. Монография. - Т.: Akademnashr, 2016.
9. Шукуров Н., Ҳасанов И. Камалақдек ранг-баранг // Ёшлик, 1984-йил №12.
10. Эркин Аъзамов. Олам ям-яшил (ҳикоялар). - Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1984.
11. "Ёшлик тақлидга мойил бўлади" (Ёзувчи Эркин Аъзам билан суҳбат. Суҳбатдош - Актам Бердиёров) / Эркин Аъзам. Эрталабки хаёллар. - Т.: "O'zbekiston", 2015.
12. Erkin A'zam. Ertak bilan xayrlashuv. - Т.: "O'zbekiston milliy ensiklopediyasi" Davlat ilmiy nashriyoti, 2007.
13. Muhammadjon Xolbekov. Folkner olami / <http://kh-davron.uz/kutubxona/jahon/uilyam-folkner-quyosh-zavoli-muhammadjon-xolbekov-folkner-olami.html>
14. Владимирова Н. Развитие узбекской прозы XX века и вопросы художественного перевода. - Т: Фан, 2011.
15. Қурбонов С. Кўнгил тафтиши ёхуд қалб тугёни талқинлари / Эркин Аъзам бадиий олами (илмий мақолалар ва суҳбатлар тўплами). - Т.: Turon zamin ziyo, 2014.
16. Расулов А. Услуб - истеъдод портрети (Эркин Аъзам ижоди). - Т.: Янги аср авлоди, 2013.

**СЎЗ САНЪАТИ
ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ**

**МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ
ИСКУССТВО СЛОВА**

**INTERNATIONAL JOURNAL
OF WORD ART**

№5 (2019)

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амир Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000